



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ САМАРАЛИ ИШГА СОЛИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни “Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия” форматидаги биринчи вазирлар учрашувида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Туркия делегацияси таркибида учрашувда савдо вазири Меҳмет Муш ҳамда транспорт ва инфратузилма вазири Одил Қорайсмонилўғли қатнашди. Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Туркия томони Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва сиёсий янгиланишлар дастурини, шунингдек, мамлакатимизнинг, энг аввало, минтақада дўстлик, яхши кўшничлик ва ишонч муносабатларини мустақамлашга қаратилган ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қўламли стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб, амалий ҳамкорлик мустақамлашиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари жадал суръат билан ўсиб бормоқда, фаол гуманитар алмашинувлар давом этмоқда. Улкан ҳамкорлик салоҳиятидан, шу

жумладан, ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштириш орқали самарали фойдаланишга қаратилган Ўзбекистон ва Туркия етакчиларининг келишув ва қарорларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Савдо, инвестициялар, инновациялар, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларида қўшма кооперация лойиҳалари ва

дастурларини тезлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонларни Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг биринчи учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади. Минтақавий кўп тартиби, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланишига қўмаклашиш

ҳамда жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилотининг саммитига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИНИ ҚАЙД ЭТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия вазирларининг биринчи кўп томонлама учрашуви тадбирларида иштирок этаётган Озарбайжон Республикаси делегациясини қабул қилди.

Озарбайжон томонидан ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов, иқтисодиёт вазири Микойил Жабборов ҳамда рақамли ривожланиш ва транспорт вазири Рашад Набиев қатнашди. Биродар давлатларимиз етакчиларининг келишувларига мувофиқ, Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Учрашув аввалида Озарбайжон ташқи ишлар вазири Ўзбекистон раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Томонлар яқинда ўтган олий даражадаги учрашувдан сўнг сезиларли муваффақиятларга эришилганини мамнуният билан қайд этдилар. Утган ойда нефть-газ ва кимё тармоқларида, ипакчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида, шунингдек, миллий индустриаллаштириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш учун делегацияларнинг ўзаро ташрифлари фаол давом эттирилди. Кўни кеча Тошкент шаҳрида икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди. Бугун эса учала мамлакатнинг ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг учрашувида, энг аввало, минтақада самарали

транспорт коммуникацияларини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли ҳамкорликка доир лойиҳа ва дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жаллаллаштириш, шу жумладан, Ўзбекистон — Озарбайжон инвестиция фондини ташкил этиш, ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш, биринчи Ҳудудлар форуми ва саноат кўргазмасини ўтказиш, эркин иқтисодий зоналар негизига кооперация учун шароитлар яратиш муҳим эканини алоҳида таъкидлади. Жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистонда ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилотининг саммитига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ОЛИЙ КОМИССАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Миллий очилиқлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдурахмоновни қабул қилди.

Амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳамда миллатлараро тотувлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди. ЕХҲТ институтлари билан устувор йўналишларда — хавфсизлик, иқтисодиёт ва экология соҳаларида, гуманитар йўналишдаги конструктив мулоқот ва сермахсул ҳамкорлиқнинг бугунги даражаси мамнуният билан қайд этилди. Ўрта муддатли истиқболда қарийб 50 та тадбирни ўтказиш назарда тутилган “йўл харитаси” биргаликда амалга оширилмоқда.

Учрашувда Олий комиссар мамлакатимизда бағрикенглик ва гуманизм маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро англашув ва тотувликни таъминлаш, шу асосда ёш авлодни тарбиялаш бўйича олиб борилаётган сиёсатга юксак баҳо берди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида дўстлик, яхши кўшничлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини мустақамлаш, Афғонистоннинг тинч ривожланиши ва иқтисодий тикланишига қўмаклашиш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Қатор қўшма тадбирлар — миллатлараро тотувлик масалалари бўйича минтақавий семинар, халқаро тажриба ва ЕХҲТ тавсияларининг тақдирини ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон делегациясининг миллатлараро муносабатлар муаммосига бағишланган давра суҳбатига иштирок этиши юзасидан келишувларга эришилди. Кўп тилли таълим соҳасида, шу жумладан, Марказий Осиё таълим дастури доирасида лойиҳаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, кадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сийин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир. Айнан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳукукий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустақам замин яратиш, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда, дунёда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин рақобат, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар туфайли юзага келган гоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳонга тараннум қилиш бўйича муҳим натижаларни қўлга киритаётганимиз, бу ютуқлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани, энг асосийси, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариб, улар ислохотлар самарасини кундалик ҳаётда ҳис қилиб яшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, туб ислохот жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадри, шаъни ва ғурурини етақчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифамизга айланган ҳозирги вақтда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва бўлинмаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган бекиёс кучга айланиб бормоқда.

Буюк истиқлолимизнинг халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва моҳиятини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кўтиб олиш ва ушбу қўтуғ санани юксак даражада нишонлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:  
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) тарихиби 1-иловага мувофиқ;

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А.Арипов):  
Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Мустақиллик байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кенг нишонланишини таъминласин;

барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишлаб маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини йўлга қўйсин;  
белгиланган чора-тадбирлар қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар,

сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

сунгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш;

мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш;

бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шуқроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижаларини кўрсатиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар

олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш.

5. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ҳожиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

ушбу концерт томошасини тажрибали ижодкорлар ҳамда юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, юксак ғоявий-бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Бадий академия (А.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов), Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (О.Усаров), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (И.Латипов) тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуг, энг азиз”, “Ранглар жилосида — она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

### Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 1 август

### Ш. МИРЗИЁЕВ

# ЎЗБЕКИСТОН, ОЗАРБАЙЖОН ВА ТУРКИЯ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ВА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ ТАРАФДОРИ ЭКАНИНИ ТАСДИҚЛАДИ

2 август куни Тошкентда “Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия” шаклида ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Уч томонлама шаклдаги анжуманда олий даражада эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари, шунингдек, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш истиқболлари муҳокама қилинди.  
Хусусан, ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов учрашувни очар экан, халқаро муносабатлар ва глобал иқтисодиётда кечаётган жадал жараёнларини инобатга олган ҳолда, “Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия” мулоқот майдончасини яратишга ҳар қачонгидан ҳам эҳтиёж юқорилигини таъкидлади.

Ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари мазкур учрашув арафасида ўзаро муносабатларимиздаги жуда муҳим воқеалар — Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг 2022 йил март ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг жорий йил июнь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтганини алоҳида таъкидлади. Уч давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва белгилаб берган ҳамкорлик йўналишлари самарасида

Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов, ўз навбатида, мамлакатларнинг икки томонлама муносабатларидан ташқари ташқи ишлар, иқтисодиёт ва транспорт вазирлари иштирокидаги ушбу ноёб ҳамкорлик шаклининг ривожлантирилиши тармоқлараро алоқалар, иқтисодий ва савдо муносабатлари, трансчегаравий тадбиркорлик фаолиятидаги ришталарни

Сўнгги беш йилда уч томонлама товар айирбошлашнинг умумий ҳажми қарийб икки баробар ортиб, бугунги кунда 3,5 миллиард долларга етгани таъкидланди.  
Томонлар ушбу кўрсаткични яна бир неча қарра ошириш учун катта имкониятлар мавжудлиги ҳақида яқдил фикр билдирди. Бунда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, мамлакатларимиз аъзо бўлган Туркий давлатлар ташкилоти томонидан яратилган мавжуд асос алоҳида аҳамиятга эга.

кенгайтиришга хизмат қилади, деган фикрни билдирди.

— Биз Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу учрашувни ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз ва Ўзбекистон раҳбариятига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирамиз, — деди Озарбайжон ТИВ раҳбари.

Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли иқлим, энергетика ва озиқ-овқат инқирози таъсири барча минтақаларда сезилаётганига эътибор қаратиб, бундай вазият хавф солиши билан бир қаторда, янги имкониятлар тақдим этаётгани ҳақидаги фикрни ўртага ташлади.

— Халқаро майдондаги рақобат муҳити чуқурлашиб бораётганига қарамай, Евроосиё ва тарихий Ипак йўли яна марказий савдо йўлига айланмоқда, — деди у. — Дунёдаги энг йирик бўлган Осиё – Европа савдо ҳажми кунига 1,5 миллиард доллар, йилга 500 миллиард долларга етмоқда. Мамлакатларимиз ушбу тижорат оқимининг марказида жойлашган.

Уч мамлакат иқтисодиёт вазирлари томонидан ўзаро савдо ва сармоявий ҳамкорлик тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди. Ушбу муносабатларнинг уч томонлама ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, жумладан, транспорт-коммуникация соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш орқали кенгайтирилиши кутилмоқда.

Сўнгги беш йилда уч томонлама товар айирбошлашнинг умумий ҳажми қарийб икки баробар ортиб, бугунги кунда 3,5 миллиард долларга етгани таъкидланди.

Томонлар ушбу кўрсаткични яна бир неча қарра ошириш учун катта имкониятлар

мавжудлиги ҳақида яқдил фикр билдирди. Бунда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, мамлакатларимиз аъзо бўлган Туркий давлатлар ташкилоти томонидан яратилган мавжуд асос алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси ва ҳудудлараро ҳамкорлики ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашишда кучларни бирлаштиришга оид ташаббусларни илгари сурди.

— Бундан ташқари, “яшил иқтисодиёт” соҳасида ўзаро ҳамкорликини янада кенгайтириш масалалари ҳам кун тартибида бўлиши керак, — деди у.

Озарбайжон иқтисодиёт вазири Микойил Жабборов, ўз навбатида, мавжуд стратегик шериклик уч давлатга иқтисодий ҳамкорликини чуқурлаштириш имкониятини тақдим этаётгани, бу алоқалар изчил ривожланиб бораётгани эътирофга молик воқелик эканини таъкидлади.

— Сиёсий ирода, халқларимиз ўртасида тарихан шаклланган қардошлик муносабатлари, улкан иқтисодий салоҳият ва ўзаро манфаатдорлик ҳамкорликини янада чуқурлаштириш учун қўлай шарт-шароит яратди, — деди вазир. — Шу муносабат билан ушбу уч томонлама майдонча ўта муҳимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам мустаҳкамланишига ишонамиз.

Туркия савдо вазири Меҳмет Муш уч томонлама учрашув натижаларини юқори баҳолади.

— Бугунги учрашувда қабул қилинган қарорлар мамлакатларимиз ўртасидаги, жумладан, ҳудудлараро ҳамкорликини жадаллаштиришга хизмат қилади, — деди Туркия савдо вазири. — Мамлакатларимиз умумий ялпи миллий маҳсулоти 900 миллиард доллардан юқори экани, аҳоли сони 130 миллионни ташкил этиши нақадар салмоқли салоҳиятга эга эканимиздан далолат бериб турибди.

Бизнинг Озарбайжон ва Ўзбекистон билан имзолаган имтиёзли савдо шартномаларимиз мазкур салоҳиятни рўёбга чиқаришга катта аҳамият бераётганимизни ифодаламақда. Келгусида ушбу келишувлар кўламининг кенгайиши билан савдо алоқаларимизда янги давр бошланади, деб ҳисоблайман.

Тарихдан маълумки, туркий тилли халқлар истиқомат қилган ҳудудлар минг йиллар давомида Шарқ билан Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида транспорт ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилган. Шу боис, мамлакатларимизнинг минтақалараро транспорт йўлакларини ривожлантиришга бўлган интилиши алоҳида долзарблик касб этади.

Учрашувда Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳкамов “Туркия – Кавказ – Марказий Осиё – Афғонистон орқали Жанубий Осиё” янги мультимодаль коридорини шакллантириш ташаббуси билан чиқди.

— Жанубий Осиё давлатларининг қисқа ва ўрта муддатли истиқболда ўсиш суръатларини

тезлаштириш учун ниҳоятда юқори салоҳиятга эга эканини ҳисобга олиб, Жанубий Осиё мамлакатлари билан юк ташишни ривожлантириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарур, — деди вазир. — Айни пайтда Афғонистон ҳудуди орқали Покистонга юк ташиш учун қўлай имконият мавжуд. Шу боис, мамлакатимиз транспорт компаниялари босқичма-босқич ушбу йўналишни ўзлаштириб, Афғонистон ҳудуди орқали юк ташишни бошлаб юборди.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Покистон – Афғонистон – Ўзбекистон йўналишини бўйича юк ташишининг ўсиш суръати сезиларли даражада ошмоқда. Биргина 2022 йилнинг биринчи ярмида ташилган юклар ҳажми 2,6 баробар ошиб, 330 минг тоннани ташкил этди.

Озарбайжон рақамли ривожланиш ва транспорт вазири Рашад Набиев, ўз навбатида, глобал геосиёсий воқеалар шароитида Ўрта йўлакка қизилиш ортиб бораётганини таъкидлади. У 2022 йилнинг биринчи чорагида мазкур коридор бўйлаб 266 минг 300 тонна юк ташилгани, бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 123 фоизга кўп бўлганини урғулади.

— Озарбайжон, Туркия ва Марказий Осиё минтақаси учун муҳим ташаббус Жангезур йўлининг очилиши бўлиб, у Ўрта йўлакнинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга сезиларли таъсир қўради ва минтақанинг транспорт-коммуникация харитасида стратегик ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин, — деди у. — Жангезур йўлига энг қисқа ва хавфсиз транзит йўлига бўлиб, Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги транспорт алоқаларини Европага йўналтиришни таъминлайди.

— Биз мамлакатларимиз иқтисодиёти, тараққиёти ва фаровонлигига бекиёс ҳисса қўшаётган Ўрта коридорга катта аҳамият бераймиз, — деди Туркия транспорт ва инфратузилма вазири Одил Қораисмоилўғли. — Осиё ва Европа ўртасидаги Ўрта йўлак халқаро савдо жараёни учун фойдали ва хавфсиздир. Биз имкониятларни тезкор баҳолаб, юзага келаётган талабга тезкор жавоб беришимиз керак.

— Халқаро майдондаги рақобат муҳити чуқурлашиб бораётганига қарамай, Евроосиё ва тарихий Ипак йўли яна марказий савдо йўлига айланмоқда, — деди у. — Дунёдаги энг йирик бўлган Осиё – Европа савдо ҳажми кунига 1,5 миллиард доллар, йилга 500 миллиард долларга етмоқда. Мамлакатларимиз ушбу тижорат оқимининг марказида жойлашган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчиров), “Дунё” ахборот агентлиги (С.Суяров), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш.Қудратхўжа) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Уч мамлакат иқтисодиёт вазирлари томонидан ўзаро савдо ва сармоявий ҳамкорлик тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди. Ушбу муносабатларнинг уч томонлама ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, жумладан, транспорт-коммуникация соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш орқали кенгайтирилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов учрашув якунлари бўйича матбуот учун баёнот бериб, томонлар ушбу мулоқот шаклининг юқори самарадорлигини биргаликда таъминлаш бўйича келишувга эришгани, бу эса туркий тилли давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлишини таъкидлади.

— Биз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонни тинч йўл билан тиклаш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириши зарурлиги, афғон халқи манфаатлари йўлида инклюзив ҳукумат яратиш муҳимлиги, ушбу жараёнда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи роляга эга бўлиши кераклиги тўғрисида яқдил фикр билдирдик, — деди Ўзбекистон ТИВ раҳбари. — Иқтисодиёт, савдо, сармоя, туризм ва транспорт, жумладан, барча турдаги транспорт ва транзит коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича ҳамкорлик қилишга бел боғланмиз. Делегацияларимиз саноат кооперацияси, рақамли иқтисодиёт ва савдо соҳаларида амалий ҳамкорликини чуқурлаштиришга келишиб олди.

Учрашув якунида Тошкент декларацияси қабул қилинди. Ҳужжатда томонлар минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорликини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, иқтисодиёт, савдо, инвестиция ва транспорт соҳаларидаги алоқа, шу жумладан, барча турдаги транспорт ва транзит коммуникациялари йўналишида мавжуд салоҳиятни тўла рўёбга чиқариш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришда қатъийлигини, ўзаро манфаатли соҳаларга сармоя киритишни янада рағбатлантиришга тайёр эканини, саноат, дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли савдо соҳаларида амалий ҳамкорликини чуқурлаштириш тарафдори эканини билдирди.

Декларацияда томонлар ўзаро манфаатли бошқа масалалар бўйича ҳам ўз режаларини тасдиқлади.

Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташқи ишлар, иқтисодиёт ва транспорт вазирларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи учрашуви мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш жараёнида ҳамкорликини мустаҳкамлаш ва амалий натижаларга эришишга эътиборни кучайтириш муҳимлигини намоиш қилди.

“Дунё” АА

# АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ

ҳар бир мутасадди ўз билганича эмас, аниқ механизм асосида ишлайди



**Улуғбек ИНОЯТОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Спикери**  
**ўринбосари**

Кейинги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимизнинг стратегик вазифаларидан бирига айланди. Ижтимоий ҳимоя масаласига жамиятда барқарорлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим асоси, деб қаралмоқда. Президентимизнинг жорий йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони шу маънода тарихий, стратегик ҳужжат ҳисобланади.

## Муаммоларни тан олиш ва ҳал қилиш даври

Эспасак, қиёспасак, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар нафақат қарорлар ва дастурларда, балки оилалар турмушида акс этаётганига амин бўламиз. Президентимиз барча давлат идоралари фаолиятига жорий этган халқ билан мулоқот тизими мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш масалалар йиғилиб қолганини кўрсатганди. Мисол учун, кам таъминланган оилаларга нафақаларни белгилашда аниқ мезонлар йўқлиги, ажратилган маблағларнинг реал эҳтиёжга нисбатан камлиги каби муаммолар ижтимоий адолатга эришиш имконини бермай келаётганди. Қайси оила қандай асосга кўра нафақа олиши керак, деган долзарб саволга қониқарли жавоб топиш мушкул бўлиб қолганди. Шундай ҳолатлар кузатирилган, уйда телевизорни ёки музлаткичи борлиги учун нафақа ололмаган оилалар бўлган.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг айнан муҳтож фуқароларга етиб бориши, нафақа миқдори энг зарур ҳаётий эҳтиёжларни қаноатлантиришга етарли бўлиши жуда муҳим бўлиб, очиги, бу борада ҳам камчиликлар оз эмасди. Яқин йилларгача жамиятимизда имконияти чекланган кишиларга давлат

идоралари, давлат хизматчиларининг муносабати аянчли ҳолатда эди, десак адолатдан бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, эҳтиёжманд оилалардаги муҳитни, кайфиятни яхши билиши натижасида юқорида келтирилган ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам бутунлай янги тизим яратилди. Хусусан, кам таъминланган оилаларга нафақа белгилаш асослари аниқ қилиб қўйилди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ишга туширилиб, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш бошланди. Очқилқик, тенглик, адолат тамойилларига қатъий амал қилиш вазифаси белгиланди.

Илгари муҳтож оилалар, муҳтож фуқароларнинг катта қисмига турли сабаб ва баҳоналар билан нафақа тайинла-маслик ҳолатлари кузатирилган, тўғриси, маблағлар ҳам камлик қилган бўлса, кейинги йилларда маблағ миқдори бир неча баробарга оширилди. Масалан, биргина кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги 3 йилда тўрт баробарга ошиб, 1,9 миллионга етди. Алоҳида таъкидлаш керакки, бу рақамлар нафақага муҳтож оилалар сони ортганини эмас, балки эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ҳимоя етиб бораётганини аниқлатади.

“Имконияти чекланган кишилар” деган тушунча давлат ва жамиятнинг ногиронларга бўлган тор, бир ёклама муносабатини ифодалаб келган бўлса, янги ислохотлар даврида, аввало, қонунчилик ўзгариб, “ногиронлиги бўлган шахслар” деган тушунча юзага келди. Шу асосда давлат ва жамият ногиронларга имконияти чекланганлар, деб эмас, балки шахс сифатида муносабатда бўлишга ўтди. Бу муносабат унинг ҳуқуқлари тан олингани ва рўёбга чиқиши учун имконият яратилаётганини аниқлатади.

Мана шу учта мисол мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масаласига муносабат, эътибор ва масъулият тубдан ўзгаргани, муаммоларни яшириш эмас, балки ҳал қилиш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан изчил чоралар кўри-лаётганининг исботидир.

Президентимиз яқинда тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси шу йўналишдаги ислохотлар бардавом бўли-шининг асосий қафолати ҳисобланади.

## Халқимиз эҳтиёжи ва замонавий стандартлар

Ижтимоий ҳимоя тизимини самарали йўлга қўйишга дунёдаги энг ривожлан-ган давлатларда ҳам тез ва осон эри-шилмаган. Чунки бу йўналиш тегишли вазирлик-идоралар фаолиятини муво-фиқлаштиришни, аввало, жамиятдаги муҳитни, мураккаб муносабатларни ўзгариштиришни, аниқ ва қатъий тизимга солишни тақозо этади.

Президентимиз 2021 йил 17 февралда “2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳи-моя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармо-йини имзолаб, стратегия концепцияси ишлаб чиқиш вазифаларини белгилаб берган эди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси бир кунда тайёрланган ҳужжат эмас. Бу ҳужжат ортда **чүркү тахлил, илғор тажриба, халқаро стан-дартлар, республикамизнинг барча ҳудудларида олиб борилган ўрга-**



## нишлар, одамлар билан мулоқотдан олинган ҳулосалар ҳам турибди.

Стратегияни ишлаб чиқишда вазир-лик ва идоралар, илмий муассасалар билан бирга, Халқаро меҳнат ташкило-ти, ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастури ва Жаҳон банкининг етакчи мутахассис-ларидан иборат экспертлар гуруҳи ҳам фаол иштирок этди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ма-саласига устуворлик берилган. Ижтимоий ҳимоя стратегияси Халқаро меҳнат таш-килотининг ижтимоий ҳимоя минимал да-ражаларга бўйича тавсияларига мувофиқ, барча фуқаролар учун минимал икти-моий ҳимоя даражасини қафолатлайди-ган тизимни яратишни назарда tutади.

Стратегияни тасдиқлаш ҳақидаги фармонда қайд этилганидек, мамла-катимизда ижтимоий ҳимоя соҳасига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш, қўшим-ча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайти-риш, оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлар-дан олиб чиқиш бўйича қўшимча меха-низмларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кам таъминланган оилалардаги бо-лаларни парваришлаш учун тўланади-ган нафақа қамрови кенгайгани, нафа-қа тайинлашда инобатга олинадиган болалар ёши 14 дан 18 ёшгача белги-лангани, нафақа миқдори ўртача 1,5 ба-робарга, ишсизлик нафақалари энг кам миқдорлари эса 3,2 баробарга оширил-гани, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортқч янги инстру-мент жорий этилгани амалий мисол-лардир. Илғор тажриба деганимиз шу: **ижтимоий ҳимоя орқали даромади, малакаси кам, саломатлигига қамчи-лиги бор фуқароларга манзилли ёр-дам бериб, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш зарур.**

## Устувор йўналишлар

Гарчи “ижтимоий ҳимоя” тушунчаси расмий ҳужжатларда, тадбирлар, му-лоқотлар ва мақолаларда кўп ишлатил-са-да, унинг мазмуни, асосий мақсади, йўналишлари нима, деган саволга ҳар доим ҳам аниқ жавоб бўлавермайди.

Президентимиз фармонида Ўзбекис-тон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди:

— ижтимоий ёрдамга муҳтож ва иж-тимоий нафақа тайинлаш мезонлари-га жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурла-ри билан қамраб олиш;

— ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгай-тириш, ушбу жараёнга очқилқик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

— аҳоли учун мажбурий ижтимоий қафолатларни таъминлаш;

— ногиронлиқни белгилашнинг икти-моий моделига босқичма-босқич ўтиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг банд-лигини таъминлаш;

— аҳолининг муҳтож қисmini замо-навий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъ-минлаш;

— ижтимоий хизматларни аҳоли-га бевосита маҳалла даражасида кўр-сатиш амалиётини жорий этиш.

Эътибор берилса, мана шу олпига устувор йўналишда жамиятдаги икти-моий ҳимояга эҳтиёжманд барча қат-ламлар тўлиқ қамраб олинган.

## Қафолатланган ҳимоя дастурлари

Ўзбекистон Республикаси аҳоли-сини ижтимоий ҳимоя қилиш стра-тегиясида 17 та мақсадга эришиш режа қилинган. Айтиш керакки, уларнинг ҳар бири катта мақсадлар, эҳтиёжманд қатламнинг турмуши-ни, ҳаётий кайфиятини кўтарадиган, фоолликка ундайдиган, инсон капита-лини ривожлантиришга хизмат қила-диган мақсадлардир.

Аввало, стратегияда давлат томони-дан қафолатланадиган ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида амалга ошири-ладиган вазифалар бирма-бир белги-лаб қўйилди.

**Ижтимоий ҳимоя дастурлари маз-муни ва ҳусусиятларига кўра тўрт йў-налишда бўлади:**

1. Ижтимоий ёрдам дастурлари (*кам таъминланган оилаларга моддий ёр-дам тайинлаш, ижтимоий нафақалар-ни тайинлаш, моддий ёрдам бериш, эҳтиёжманд қатламни уй-жой билан таъминлашга қўмаклашиш каби маса-лалар*).

2. Ижтимоий таъминот дастурлари (*пенсиялар ва узоқ муддатли нафақа-лар тайинлаш*).

3. Ижтимоий хизматлар дастурлари (*Меҳрибонлик, оилавий болалар уйла-рида, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийла-рига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га кирган оилалар ва фуқа-роларга тиббий, психологик ва бошқа хизматлар кўрсатиш*).

4. Меҳнат бозоридидаги фаол чора-тадбирлар дастурлари (*ҳақ тўланади-ган жамоат ишларини ташкил этиш, давлат мақсадли жамғармалари ҳи-собидан бандлиқни рағбатланти-риш, иш қидираётган ҳамда ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат миарақиясида бўлган фуқаро-ларга хизматлар ҳамда ёрдам кўрса-тиш*).

Мазкур дастурлардан ижтимоий ҳи-моя стратегияси нақадар кенг қамровли экани кўриниб турибди.

## Асосий мақсад — боқимандаликни камайтириб, фаолликни ошириш

Ижтимоий ҳимоя жамиятда боқи-мандаликни оширади, жамият нотўғри қарашлар ҳам бор. Лекин ривожлан-ган давлатлар тажрибаси бунинг акси-ни исботлаган. Яъни ижтимоий ҳимоя манзилли, мақсадли бўлса, жамиятда фаоллик, ишонч, барқарорлик кучая-ди. Давлатимиз раҳбари тасдиқлаган стратегияда қўйилган мақсадлар ай-нан ижтимоий ҳимоянинг манзиллили-гига қаратилган. Катта ва асосий мақ-сад — боқимандаликни камайтириб, фаолликни ошириш.

Стратегия доирасида эришиш кўз-да тутилаётган 17 та мақсадни амалга ошириш чора-тадбирлари аниқ белги-лаб қўйилди.

Хусусан, маҳалла даражасида аҳо-лини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида оилани ҳаётий қийин вазиятдан чиқа-риш учун комплекс ёндашиш, индиви-дуал ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқиш, болалар асоссиз равишда оила-ларидан ажралишининг олдини олиш каби муҳим чора-тадбирлар ишлаб чи-қилиши кўзда тутилган.

Эҳтиёжманд оилаларни қийин вазият-дан чиқариш бўйича кейинги йилларда ўзига хос тажриба ҳам тўпланди, қан-чадан-қанча оилалар даромад манбаи-га, давлатнинг манзилли ёрдами билан уй-жойга эга бўлди. Стратегия билан бу борадаги ишлар янада тизимлаштири-лади. Ҳар бир мутасадди ўз билганича эмас, аниқ механизм билан ишлайди.

Ишсиз шахсларни қўллаб-қувват-лашни инсон капиталига инвестиция-лар орқали амалга ошириш, яъни эҳ-тиёжманд кишиларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малакасини оши-риш, ўз ишини очиш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ислохотларни жа-даллаштириш мақсад қилинган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ижтимоий ҳимоя стратегияси Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар, хусусан, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлан-тириш йўналишида белгиланган мақ-садларга ҳамохандир.

Масалан, **Тараққиёт стратегияси-нинг 37-мақсадида ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш, касбга ўқитиш қўламини 2 баробар ошириб, жами 1 миллион ишсиз фуқарони касб-ҳунарга ўқитиш режалаштирилган.** Шунингдек, касбий таълим билан тизим-ли равишда шуғулланиш масалаларини тўлиқ равишда бандлик ва меҳнат муно-сабатлари вазирлиги иктиёрига ўтказиш, умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини давлат то-монидан қамда бир касбини эгаллашига қўмаклашувчи тизимни жорий этиш мақ-садлари ҳам белгиланган.

Оқоридагиларга асосан шундай ҳу-лосага келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳи-моя қилиш стратегияси қамрови, тар-киби ва тузилиши жиҳатдан мукаммал ҳужжатдир. Стратегия билан бирга, ижтимоий ҳимоя бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичлар, стратегияни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йул харитаси” ҳам тасдиқланди. 2024 йил-дан бошлаб эса бундай “Йул харитала-ри” ҳар икки йилда Вазирлар Маҳкама-си томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

2023 йил 1 мартга қадар давлат то-монидан қафолатланган ва бепул тақ-дим этиладиган минимал ижтимоий хизматлар рўйхати шакллантирилади ва тасдиқланади. 2023 йил 1 июлга қа-дар эса давлат томонидан қафолатлан-ган ва бепул тақдим этиладиган мини-мал ижтимоий хизматларни кўрсатиш стандартлари ҳам тасдиқланади.

Умуман, мазкур стратегик ҳуж-жат Янги Ўзбекистонни инсон қадри устувор бўлган, халқ фаровонлиги ва розилиги учун хизмат қиладиган ижтимоий давлат сифатида ривож-лантиришнинг муҳим асосларидан бирига, жамиятимизда ижтимоий бар-қарорликни янада мустаҳкамлашнинг қафолатига айланади.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА ЗАВОД

ҳам ички, ҳам ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлайди



Жорий йилнинг май ойида Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида — Ангрен ЭИЗ ҳудудида фаоллаштирилган оқартирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Pak-Merit bleaching clay” қўшма корхонаси иш бошлади.

Ўзбекистоннинг “Merit Chemicals Group” масъулияти чекланган жамия-ти ҳамда Покистоннинг “Tahir Asad Industries” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхона мазкур йўналишда нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки МДҲ давлатлари орасида ҳам ягона экани билан эъти-борга молик. Бу турдаги заводлар фа-қат АҚШ, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон давлатларида борли-ги назарда тутилса, ушбу корхонанинг мамлакатимиз санаятидаги аҳамияти, ўрни янада яққол намоён бўлади.

Корхонада фаоллаштирилган оқарти-рувчи гил — озик-овқат, ўсимлик ва са-ноат ёғ-моилларини оқартириш, тозалаш ва филтрлаш учун ишлатиладиган маҳ-сулот ишлаб чиқарилади. Завод 8 гектар майдонда жойлашган бўлиб, 18 та бино-

иншоотдан иборат. Корхонада Туркия, Покистон, Хитой, Россия давлатларидан олиб келинган энг замонавий асбоб-ус-куналар ўрнатилган.

Заводда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни бир неча босқичда олиб бо-рилади. Биринчи навбатда маҳаллий хомашё — гил қукуни — бентонит су-юлтирилади, кейин эса фаоллаштирилади. Шундан сўнг бентонит совитлади ҳамда куришиб, қадокланади.

Бентонит Навоий вилоятининг Қи-зилтепа тумани ҳудудида жойлашган кондан қазиб олинади. Олтингургурт ки-слотаси эса Олмалик кон-металлургия комбинатидан харид қилинади.

Фаоллаштирилган оқартирувчи маҳсулотлар илгари тўлиқ хориждан, хусусан, Покистон, Эрон, АҚШ, Герма-ния ҳамда Хитойдан импорт қилинган.



Табиийки, бу логистика нуқтаи назар-идан ортқча харажатни талаб этган. Мамлакатимизда мазкур заводнинг иш бошлаши маҳаллий ёғ-мой ишлаб чиқа-

рувчи корхоналарга айна мудоа бўлди. Гап шундаки, фаоллаштирилган оқар-тирувчи гил маҳсулотининг импортга эҳтиёж қолмаслиги маҳаллий ёғ-мой

ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўшим-ча харажатлардан халос этади. Уларга ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот қўлай шартлар асосида етказиб бе-рилади. Натижада ҳар йили қамида 4,5 миллион доллар эквивалентидаги валюта маблағлари тежаллишига эри-шилади. Бу эса мамлакатимиз иқтисо-диёти ривожига хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

— Ҳозирги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаоллаш-тирилган оқартирувчи гил маҳсулотига бўлган ички талаби йилига 2,5-3 минг тоннани ташкил этади, — дейди қўш-ма корхона директори Шерали Нуоров. — Мазкур корхонада йилига 10 минг тонна, қарийб 70 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаш-тирилган. Натижада мамлакатимиз корхоналарининг мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланади, ҳа-то маҳсулот экспорт йўлга қўйилади. Йилига 7 минг тоннагача, яъни 4,5 миллион долларлик маҳсулот Россия,

Қозғоғистон, Беларусь ва бошқа дав-латларга экспорт қилинади.

Завод ишга тушишдан аввалроқ Покистондан 15 нафар малакали му-тахассис келиб, маҳаллий ходимларга иш ўргатди. Айни пайтда корхона тўлиқ маҳаллий мутахассислар томонидан бошқариляпти. Энг муҳими, завод ишга тушгач, 98 нафар ёшнинг бандлиги таъ-минланди.

Келгусида корхона молиявий барқа-рорликка эришиш ва лозим даражада ривожланиш ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтириш, қўшимча асбоб-ускуналар харид қилиш орқали ишлаб чиқариш қувватини йилига 20 минг тоннагача ошириш ҳамда 16 минг тоннагача маҳ-сулотни экспортга чиқаришни ўз олди-га мақсад қилган. Бу эса ҳам ички, ҳам ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб, мамлакатимиз са-ноати ривожига хизмат қилади.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Ҳамза АМИНОВ,**  
**Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори**

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чиқиндилар ҳажмининг ялли ўсиши экологик барқарорликка катта салбий таъсир кўрсата бошлади. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар мураккаблашиб, ушбу таъсир табиий омиллар билан қиёсланадиган даражага етди. Янги асрнинг замонавий тараққиёти эса маиший ва саноат чиқиндиларининг йил сайин ортишига сабаб бўляпти. Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ва қурилиш индустрияси объектлари чиқинди ҳосил қилувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сонининг янада ортиши башорат қилинмоқда.

Аммо танганинг бошқа томони ҳам бор. Одамлар энг қўп ташлайдиган маиший чиқиндилар экология учун зарарли бўлиш баробарида, арзон хомашё ҳамдир. Яъни чиқиндиларнинг 80 фоизга-ча қисмини органик моддалар ташкил қилади ҳамда уларни қайта ишлаш натижасида катта микдордаги энергия ва энергия ташувчиларни ишлаб чиқариш мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси чиқиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Масалан, Японияда резина ва кабель буюмларнинг 34 фоизи, шиша буюмларнинг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндиларни қайта ишлаш эвазига олинар экан. Хитойликлар эса алюмин, темир, мис каби металллардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига олади.

Айрим давлатларда чиқиндиларни алоҳида йиғиш тизими йўлга қўйилган. Натижада қоғоз, пластик, алюмин каби хомашёнинг катта қисми қайта ишланади. Бу жараённинг экомўҳитга ижобий таъсири катта бўлиб, энергия ва хомашёни сезиларли даражада тежайди.

### ИККИ СОАТДА САМАРАЛИ НАТИЖА

Тахлилларга кўра, сўнгги йилларда юртимизда йилга 26 фоиз қишлоқ хўжалик чиқиндиси, 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси, 35 миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлмоқда. Чиқиндиҳоналар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар катта майдонни эгаллаб тургани ҳам ижобий кўрсаткич эмас.

Ҳозир атроф-муҳитга нафақат маиший, балки тиббиёт чиқиндиларининг хавфи ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг таъсирида сув, ҳаво, тупроқ, озик-овқат маҳсулотларининг ифлосланиши объектлари чиқинди ҳосил қилувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сонининг янада ортиши башорат қилинмоқда.

Аммо танганинг бошқа томони ҳам бор. Одамлар энг қўп ташлайдиган маиший чиқиндилар экология учун зарарли бўлиш баробарида, арзон хомашё ҳамдир. Яъни чиқиндиларнинг 80 фоизга-ча қисмини органик моддалар ташкил қилади ҳамда уларни қайта ишлаш натижасида катта микдордаги энергия ва энергия ташувчиларни ишлаб чиқариш мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси чиқиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Масалан, Японияда резина ва кабель буюмларнинг 34 фоизи, шиша буюмларнинг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндиларни қайта ишлаш эвазига олинар экан. Хитойликлар эса алюмин, темир, мис каби металллардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига олади.



муфельни печда 1200 даража иссиқликда қиздириб, тўлиқ зарарсизлантириш зарур.

Шу мақсадда, Давлат экология кўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти жамоаси тиббиёт чиқиндиларини экологик зарарсизлантиришга қаратилган инновацион лойиҳани ишлаб чиқди. Бунинг учун икки камерадан иборат махсус конструкцияли печь тайёрланди. Тиббиёт чиқиндилари ана шу печда термик зарарсизлантирилади.

Биринчи камерада чиқинди кимёвий ва микробиологик тахлиллар натижасидан келиб чиқиб, ўта юқори даражадаги ҳароратда тўлиқ оксидланади. Юқланган маҳсулотнинг органик қисмидан бирор қаттиқ чиқинди қолмайди. Аммо маҳсулот таркибидаги ноорганик бирикмаларнинг қаттиқ оксидларидан иборат аралашмалари сақланиб қолади. Бундай қолдиқ мутлақо зарарсиз.

Иккинчи камерада эса термик парчаланиш натижасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган чала оксидланган маҳсулотларни тўлиқ, яъни оксидланишнинг охириги зарарсиз компонентигага оксидлаш ишлари олиб борилади ва газ маҳсулоти атмосферага чиқариб юборилади. Махсус технология атроф-муҳитга мутлақо зарарсиз газ ташламаларини чиқаради.



Бундай печларда нафақат тиббий, балки ўта юқумли касалликлар билан оғриган беморлардан қолган маиший чиқиндилар ҳам ёқилади. Маҳсулот бир мартаба юқлангандан сўнг, 2 соат давомида тўлиқ зарарсизлантирилади ва жараён якунланади. Мазкур технология ёрдамида ҳатто коронавируси инфекциясида гумонланаётганлардан қолган чиқиндилар ҳам тўлиқ зарарсизлантирилади.

Инфекция хавфи нафақат шифокорлар, балки ушбу чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш билан шугулланадиган одамлар учун ҳам юқори экани маълум. Шу боис, мутахассислар чиқиндиларни йўқ қилиш жараёнида икки қават ниқоб, кўзойнак ёки экран, қўлқоп, шунингдек, химёя комбинезони ва резина этик кияди. Ходимлар печга ҳар икки соатда чиқиндиларни юқлаганда, шахсий химёя воситаларини ҳам ўзгартиради.

Коронавируси тарқатувчи микроорганизмларнинг очиқ муҳитда бир неча кунгача сақланиши мумкинлигини ҳисобга олиб, чиқиндиларни имкон қадар тезроқ йўқ қилиш муҳим. Шунинг учун ҳам қурилма, айниқса, локал ҳолатда эксплуатацияга жуда қўлай.

### ҲАР МАСАЛАНИНГ БИР ЕЧИМИ БОР...

Чиқиндилар ҳақида гап борганида, уларнинг катта-кичиклиги, оз ёки кўпчилиги аҳамиятсиз, у барибир чиқинди ва экология ҳамда инсон саломатлиги учун салбий таъсирга эга. Шу боис, мамлакатимизда ушбу масалага

жиддий эътибор қаратилиб, изчил экологик сиёсат юритилмоқда.

Буни ижобий томонга ўзгараётган рақамларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, охириги йилларда ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг микдори 2,1 мартага, оқова сувларнинг ташланиши 2 баробарга камайди. БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсати ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси" ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат чиқиндилар бўйича муаммоларни ҳал этишда амалга оширилмаган ишларнинг стратегик йўналиши ва мувофиқлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Аммо чиқиндиларни қайта ишлаш масаланинг ягона ечими эмас. Чунки чиқиндилардан иккиламчи манба сифатида қайта фойдаланиш ҳам экологияга ўз таъсирини кўрсатади. Шу боис, соҳа мутахассислари олдида, аввало, қўлайиб бораётган чиқиндиларни тўғри бошқариш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифаси турибди. Мамлакатимизда қурилаётган чора-тадбирлар ҳам чиқиндилар билан бира, қимматли модда ва материалларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймайди, атроф-муҳитнинг токсик саноат ва тиббиёт чиқиндилари билан ифлосланишнинг олдини олиш, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиғилиши,

зарарсизлантириш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган.

Гап шундаки, аҳоли сонининг ортиб бориши билан саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари талаб қўлайиши табиий ҳол. Инсон эҳтиёжлари бирламчи бўлгани ҳолда, буни тўхтатиб бўлмайди. Аммо масалага бошқачароқ ёндашиш мумкин.

Масалан, турли ичимлик сувлари, суюқ ва қуқунсимон тозаловчи воситалар, лак-бўёқ эмаллари пластик, шиша ёки металл идишлар ҳамда полиэтилен пакетларда қадоқланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Улардан фақат шиша идишларинигина қайта ишлатиш мумкин. Пластик идишлар эса бир марталик бўлиб, қайта ишлатишга яроқсиз саналади. Полиэтилен пакетлар ҳам шундай. Улардан чиқаётган чиқиндилар эса атроф-муҳитга асосий маҳсулотлардан ҳам кўпроқ зарар етказмоқда. Булар пластик, шиша ва металл идишлардаги турли ҳажм ва шаклдаги ёрликлардир. Тўғри, бу ёрликлар кичик ва ихчам бўлиши, ўз навбатида, ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғрисида маълумот бериши билан фойдаланилади. Аммо атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида гап кетганида, уларнинг салбий таъсири кўзга ташланади. Биринчидан, улар қайта ишлатишга яроқсиз, иккинчидан, табиатда парчаланиб кетиши учун бир неча ўн йил, ҳатто асрлар керак бўлади. Қолаверса, уларни қайта ишловчи технологиялар мавжуд эмас ва бу турдаги чиқиндилардан йиллар давомида катта ахлат уюмлари полигони ҳосил бўлади.

Шундай экан, ишлаб чиқарувчилар бу борада янги усуллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Масалан, ишлаб чиқарилаётган пластик, шиша ёки металл идишга иланидиган ёрликлар ўрнига қадоқланган идишнинг ўзига худди ёрликдагидек тасвирларни тушириш мумкин. Шунингдек, қуқунсимон маҳсулотларни полиэтилен пакетларга эмас, нам юқмайдиган қоғоз пакетларга қадоқлаш лозим. Бундай ҳолат, биринчидан, қўшимча чиқиндилар чиқишининг олдини олса, бошқа томондан, айрим қадоқларни қайта ишлатиш имконияти пайдо бўлади. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам анча самарадор.

Умуман, чиқиндилар фақатгина ишлаб чиқарувчилар ёки соҳа мутахассисларининг муаммоси эмас. Аввало, масаланинг ечими ўзимизда. Биринчи навбатда, экологик маданиятни оширишимиз лозим. Қолаверса, бу борада янги усул ва технологияларни қўллаш даври келди. Олимларимиз яратган инновацион лойиҳалар эса бу борадаги муҳим қадамлардан бўлмоқда.

# Кластер: ЭКИШ — ХОМАШЁ — ТАЙЁР МАҲСУЛОТ



### Ислоҳот одимлари

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ташкил этилган кластер тизими бутун ўзини тўла оқламоқда. Буни аллақачон муваффақиятларга эришаётган кластерлар мисолида кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида кластерларнинг жорий этилиши ерши шудҳорлашдан ҳосилни етиштиришгача, хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёндаги комплекс ёндашув тизимини яратди. Айниқса, енгил саноат корхоналарининг деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда яхши натижалар бермоқда.

Китоб туманидаги "Китоб ил йиғирув" акциядорлик жамияти 2021 йилдан кластер тизимига ўтди. Фаолиятини 2019 йилда бошлаган мазкур жамият шу вақтгача пахтани сотиб олиб, толани қайта ишлаш билан шугулланиб келган. Энди эса ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишляпти. Энг муҳими, янги тизимда иш юритиш барчага маъқул келмоқда.

— Кластер ташкил қилганимиздан сўнг пахтани ўзимиз етиштиришни бошладик, — дейди мазкур жамият иш юритувчиси Жасур Зиётов. — Ўтган йили Ғузор туманида 6,5 минг гектар ерга пахта эдик. Ҳосил пишиб етилгач, тў-

ридан-тўғри корхонамизга келтирилди. Маҳсулотга цехларимизда босқичма-босқич қайта ишлов бериб, пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқардик. Бу эса ишларимизнинг сифати ва даромадимизнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Бу йил кластер томонидан қўшимча тарзда Касби тумани ҳудудида 2000 гектар ерга пахта экилди. Бу корхона иш фаолиятининг зулуксизлигини таъминляпти.

Ҳозирга қадар корхонада фақатгина пахта толасини қайта ишлаб, ип-калава ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда янги цех ишга тушиши билан шу ернинг ўзида тайёр мато ишлаб чиқарилади.

Хитойдан янги ускуналар келтирилиб, ўрнатилди. Қисқа вақтда шу ернинг ўзида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бошланади.

Ўтган йили корхона 11 минг тонна толани қайта ишлаб, 6,5 миллион АҚШ доллари қийматига маҳсулотни Хитой, Россия, Туркия, Португалия давлатларига экспорт қилди. Ички бозорга эса 61 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарди. Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилган.

— Бу йил экспорт ҳажми ошади, — дейди жамият бош ҳисобчиси Шокир Худойкулов. — Шунингдек, ички бозорга 96 миллиард сўмлик маҳсулот сотишни мақсад қилганмиз. Бундан ташқари, иш ўринларини кўпайтириш борасида ҳам режалар ишлаб чиқилган. Жумладан,



пахта майдонларимизда шу йилнинг ўзида мавсумий ишчилар сони беш юздан зиёд бўлади. Янги цех ишга тушгач, қўшимча ўттиз нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади.

Айни пайтда жамиятда 500 нафар аҳоли иш билан банд. Уч сменада иш ташкил этилган корхонада ишчиларнинг ишга келиб-кейтишлари учун автобуслар қўйилган. Шунингдек, уларнинг

дам олиши, овқатланиши учун ҳам қўлайликлар яратилган.

Фотима Каримова Китоб туманининг Ҳожо маҳалласида истиқомат қилади. Икки нафар ёш фарзанди бор. Оилада боқувчиси йўқлиги боис, "Аёллар дафтари" да рўйхатда туради. Анча вақтгача иш тополмасдан қийналиб юрганди. Маҳалласи яқинида ип-йиғирув корхонаси иш бошлагани унга жуда қўл келди.

Маҳалла фуқаролар йиғини тавсияси билан корхонага ишга жойлашди. Яхши шароит, етарли маош эса унинг турмуши яхшиланишига имконият яратди.

— Уч юзга яқин хотин-қиз шу жамиятда ишлаймиз, — дейди Ф.Каримова. — Оилавий шароитим оғир бўлганлиги боис, бу ерда иш ўринлари очилгани бизга жуда маъқул бўлди. Ҳозир 1,5 миллион сўмга яқин маош оламан. Цех раҳбарлари, жамият мутасаддилари доим бизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам бериб келмоқда. Бунинг учун уларга раҳмат.

— Жамиятимизда ҳозир янги лойиҳалар ишлаб чиқиш жараёни кетмоқда, — дейди Ш.Худойкулов. — Корхонамиз фаолият турини янада кенгайтириш мақсадида шу йил якунига қадар Касби туманида яна бир тикувчилик фабрикасини ишга туширишни режалаштирялмиз. Бу фабрика иш бошлагач, ўша ҳудуддаги 50 нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Шунингдек, ўша ернинг ўзида пахта-ни қайта ишлаш имкони яратилади. Бундан ташқари, 2023 йилда Ғузор туманида ҳам йирик лойиҳани амалга ошириш мақсад қилинган. Ҳозир тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ғузорда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушгач, 350 нафар одам ишли бўлади.

Жамият томонидан яна бир хайрли ишга қўл уриляпти. Айни пайтда хориждан 500 беш насли қорамол олиб келиниб, ўзимизда кўпайтиришни йўлга қўйиш учун тайёргарлик қўрилмоқда. Бу ишга 2 миллиард сўм сарфланади. Энг муҳими, бу ерда ҳам 50 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Кластер бу, изланиш, инновация демократ. "Китоб ил йиғирув" АЖ жамоесининг ана шу илгор йўналишидаги интилиши, самарали натижаларга эришаётгани шунини ифода этади.

**Ақбар РАҲМОНОВ,**  
**"Янги Ўзбекистон" муҳбири**



## Бугуннинг гапи

# ҲУНАРМАНДЛАР МАҲСУЛОТЛАРИ РЕКЛАМАСИ ДАВЛАТ ТИЛИДА РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ



Наибaxon МАМАДАЛИЕВА,  
филология фанлари доктори,  
профессор

Инновацион ривожланиш вазирлигининг амалий ва инновацион лойиҳалар танловида “Туризм соҳасига сайёҳларни жалб қилишда миллий ҳунармандлик маҳсулотлари брендининг ахборот платформасини яратиш” мавзуси бўйича Тошкент молия институти олимлари гуруҳи томонидан топширилган инновацион лойиҳа ғолиб деб топилди, молиялаштиришга тавсия этилди.

Нега бу мавзу танланди, деган савол туғилиши табиий. Мамлакатимизда ҳунармандлик ва туризм соҳаларида кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган, шу кунгача ҳунармандлар учун мўлжалланган бир қанча веб-саҳифалар мавжуд бўлса-да, уларда маҳсулотлар бренди ҳимояланмаган, жозибadorлиги етарли эмас. Яъни ҳунармандлар маҳсулотлари орқали сайёҳларни жалб қилиш механизми мавжуд эмаслиги ушбу лойиҳа яратилишига заруратни юзага келтирди.

Миллий ҳунармандлик маҳсулотларига QR-код қўйиш орқали маҳсулот бренди индивидуаллигини ошириш ҳамда хорижий сайёҳларни жалб қилишнинг ахборот платформасини яратиш борасида бир қатор муаммоларга ечим топилади. Жумладан, туризм соҳасида миллий ҳунармандлик маҳсулотлари онлайн савдосини шакллантириш, хорижий сайёҳларни жалб қилишда миллий маҳсулотларга қўйилган стикерлар орқали жозибadorлигини ошириш имконияти пайдо бўлади. Миллий маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларнинг фото, аудио, видео, 3D форматдаги график, бренд дизайнер ишланмалари тайёрланади, платформада истеъмолчилар учун мобиль иловалар яратилади, ҳунармандлар ўз маҳсулотларини тизимга жойлаштириши ва жараёни назорат қилиши мумкин бўлади. Муаммонинг ечими сифатида миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар маълумотлар базаси ва Миллий маҳсулотлар классификатори, “бўлутли технология”лар асосида онлайн платформалар орқали иловалар яратилади.



Бунинг учун эса туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар маҳсулотларига QR-код генерация қилувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилади. Махсус стикерлар шакллантирилади ва ҳунармандлик маҳсулотига стикер қўйилади (ёпиштирилади) ҳамда маҳсулотнинг онлайн сотувини амалга ошириш бўйича услубий кўрсатма яратилади. Стикерли ҳунармандлик маҳсулотлари сотуви амалга оширилганда ёки қайта сканер қилинганда, истеъмолчининг маълумотлар базаси автоматик равишда янгиланиб борадиган тизим йўлга қўйилади. Яратилган дастур орқали статистик кузатувларни, ҳунармандларга буюртмалар юбориш ва қабул қилишнинг назорат қилиш имкони пайдо бўлади. Ижтимоий тармоқларга (Facebook, Instagram, Telegram, YouTube ва ҳ.к.) ҳамда маҳсулотлар хисобини юритувчи интеграцион қилиш орқали стикерли ҳунармандлик маҳсулотлари тарғиботи ва рекламаси амалга оширилади. Хорижий истеъмолчилар миллий ҳунармандлик маҳсулотлари стикерини сканер қилганда тўғридан-тўғри Ўзбекистон туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи маълумот берадиган рекламага ўтилади. Дастур туризм соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар билан боғланиш имкониятини беради. Миллий бренд маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар ва ташкилотлар маълумотлари (манзиллари, телефон рақамлари, геолокация ва ҳ.к.) ҳамда маҳсулотлар хисобини юритувчи интеграцион янгилувчи электрон база шакллантириб борилади. Туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар иштирокидаги фестивал, ярмарка ва кўргазмалар тўғрисидаги эълонлар берилади.

Лойиҳада кўрсатилган маҳсулотнинг яратилиши ва режалаштирилган ахборот платформа ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш учун жамоада етарлича компетенция ва илмий салоҳият мавжуд.

Чунки ижрочилар сифатида туризм соҳасида хизмат кўрсатиш жараёнларида рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича назарий тадқиқотлар қилган профессор, илмий тадқиқотчилар, мутахассислар ва амалиётда миллий ҳунармандлик соҳасида тажриба ортирганлар тўплангани ушбу лойиҳани бажаришда интеллектуал тўсиқ бўлмаслигини кафолатлайди.

Лойиҳа асосида эришиладиган яна муҳим ютуқлардан бири миллий ҳунармандлик маҳсулотларининг онлайн савдодаги улуши ортишига эришилишидир. Халқаро миқёсда миллий ҳунармандлик маҳсулотлари бренди кенг ёйилиши ва индивидуаллиги ошишига олиб келади, туризм жозибadorлигини ошириб, сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш ҳамда туризм хизматлари ва миллий ҳунармандлик маҳсулотлари савдосини ривожлантириш имконияти пайдо бўлади. Чунки Ўзбекистонга сайёҳларни жалб қилиш ҳамда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар мавжуд. Лекин туризм соҳасида ҳунармандлик қай даражада ривожланганини кўрсатиб берадиган лойиҳалар йўқлиги сабабли бу ишланманинг ўз ўрни бор.

Утган йиллар таҳлилида бу янада яққолроқ кўзга ташланади. Яъни 2019 йил давомида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан 5 миллиондан ортиқ сайёҳ келган. Шунингдек, ушбу йилда туризм фаолиятида ҳунармандлик маҳсулотлари экспорти 15,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Шундан ҳунармандлик маҳсулотлари савдосининг 45 фоизи сайёҳлар орқали, 25 фоизи халқаро кўргазмалар доираси-

да, 25 фоизи тўғридан-тўғри шартномалар асосида ҳамда 5 фоизи онлайн тарзда амалга оширилган.

2020 йилда эса сайёҳлар оқими камайгани ва хорижий мамлакатлардаги фестивал, ярмарка ва кўргазмаларда ҳунармандлар иштироки олдинги йилнинг мос даврига нисбатан 90 фоиз қисқаргани сабабли ҳунармандлик маҳсулотлари савдоси ҳажми тахминан 70 фоиз тушиб кетди. Фақатгина 2020 йилнинг биринчи чорагида 4 миллион долларлик экспорт қилинган, холос. Шундан 20 фоиз халқаро кўргазмалар, 25 фоиз шартнома асосида, 15 фоиз электрон савдо ҳамда 40 фоиз сайёҳлар ҳисобида тўғри келди.

Янги ишланма давлат тилида яратилади ва рус, инглиз тилларига таржима қилинади. Бу билан ҳунармандлар маҳсулотларининг дунё юзини кўриши учун давлат тилида рақамлаштиришдан фойдаланилади. Ҳунармандлар ўз маҳсулотлари ҳақидаги маълумотларни давлат тилида жойлаштириганидан сўнг шахсий кабинетларида тўғридан-тўғри рус ва инглиз тилига таржима ва интеграция қилинади. Платформада уникал код орқали маҳсулотни тўлиқ назорат қилиш ҳамда кодлар орқали тўловларни амалга ошириш модули яратилади. Маҳсулотларни онлайн дўкон орқали сотиш ва сотилган товарларни етказиб бериш учун веб-саҳифа тўлиқ давлат тилида бўлади, операциялар ҳам давлат тилидаги буйруқлар орқали амалга оширилади. Сотилган маҳсулотлар ва талаблар базаси, статистик хисоботларни генерация қиладиган дастурий таъминот ҳам давлат тилида бўлади.

Дастур кўринишидаги маҳсулотни илмий-тадқиқот институтлари, сайёҳлик ташкилотлари, ҳунармандлар уюмлари, статистика билан шуғулланувчи идоралар иш жараёнида фойдаланиш учун сотиб олишлари мумкин.

## Давр нафаси

Орол денгизи тахминан ўтган асрнинг олтинчи йилларидан қурий бошлаган. Бугунга келиб у ўз қирғоқларидан 200 километргача узоқлашиб кетди. Бу нафақат ўзбекистонликларни, балки жаҳон аҳлини ҳам ташвишга солиши табиий. Чунки Орол фожиаси аллақачон дунё фожиасига айланиб бўлган. Сўнгги беш-олти йилда Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан денгизнинг қуриган ҳудудида янги ҳаёт бошланди. Инсон қадами тегмаган жойларда саксовул, шунингдек, шўр ва қурғоқчиликка чидамли бошқа бута ва кўчатлар экилиб, қум барханлари ўрнида яшил ҳудудлар, саксовул ўрмонлари пайдо бўлмоқда.

## Таҳлил

# ҚУМ ВА ТУЗ

# БАРХАНЛАРИ ЧЕКИНМОҚДА

Ҳаким йўлдошев олган суратлар.



2018 йил 24 август куни Ашхобод шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммитида давлатимиз раҳбари денгизнинг қуриган тубида яйловлар барпо этиш ҳақида гапирган эди. Шундан сўнг экологик офат зонасида қум ва тузнинг учинини тўсувчи яшил майдонлар яратила бошланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, саксовул тупроқ таркибидаги тузларни йўқ қилади. Қўчма қумлар тарқалишининг олдини олади. Саксовул табиий йўл билан экилгандан кейин иккинчи ва учинчи йилга келиб уруғ туғади ва ўз-ўзидан уруғлари орқали чўлда ўрмонлар пайдо бўлади.

Ўзбекистонда саксовулнинг уч тури мавжуд. Уларнинг бири қора саксовул. У 40-50 йил яшайди. Ҳозир у саксовулнинг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади.

Ўрта ёшли бир туп саксовул бутаси ўз илдири билан бир тонна қумни ушлаб қолади. Икки йиллик саксовулзорда шомол ўз тезлигини 20 фоиз, олти йиллик саксовулзорда эса 80 фоизгача йўқотади, натижада ҳавонинг чанг ва қумли тузлар билан ифлосланиши 6 баробар камаяди. Бир гектар майдондаги тўрт йиллик саксовул ўрмонлари бир кунда 1200 килограммгача ис газини ютиб, 835 килограммгача кислород ажратади.

Ҳар йили Орол қуриши туфайли мамлакатимиз осмонига 150 миллион тонна зарарли қум ва туз кўтарилади. Ҳозир 2019-2020 йилларда экилган 924 минг гектардаги саксовулзор 92 миллион тоннагача туз ва қумни ушлаб қолмоқда. Бу 2018 йилдагига нисбатан осмонга 45 фоиз зарарли қум ва туз кам кўтариляпти, дегани.

Ўрмон ҳўжалигимизда 85 нафар ишчи-ҳодим, 14 та техника бор, — дейди Мўйнок давлат ўрмон ҳўжалиги директори Фарҳод Авезов. — Олдин ҳўжалигимиз майдони 650 887,2 гектар эди. Денгизнинг қуриган ҳудудида 1 726 485 гектар саксовулзор яратилиши ҳисобига майдонимиз қарийб 2 377 372 гектарга етди. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳўжалигимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган қишлоқ ҳўжалиги экинларини шомол эрозиясидан ҳимоялаш учун 2021 йилдан 2030 йилга қадар жами 2670 гектар майдонда ихота дарактзорлар барпо этилиши белгиланган. Бугунги кунга қадар жами 960 гектар, жорий йилнинг ўтган даврида эса 250 гектар майдонда бу иш бажарилди. Айни пайтда кўчат парваришда ишлари давом этмоқда. Албатта, ўрмон пайдо бўлса, биринчидан, тузли чанг кўтарилиши тўхтайдди. Иккинчидан, ер намлиги ошади ва жониворлар кўпаяди.

— Жорий йил якунига қадар ўрмон ҳўжаликлари томонидан 16 миллион 150 минг туп манзарали даракт ҳамда бутта кўчати етиштириш режалаштирилган. Шу боис, йил бошидан буён ўрмон ҳўжаликларимиз томонидан 172 тонна уруғ тайёрланиб, 263 гектар ерга экилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги қўмитаси раиси Ойбек Аминов. — Ишончли комилки, юрдоҳларимизнинг фидокорона меҳнати натижасида 10-12 йил ичида катта ўрмон пайдо бўлади. Ўтган йили тажриба тариқасида 34 минг туп

павловния, 50 минг туп лаванда, 20 минг туп гожи доривор ўсимлиги экилиб, айни пайтда агротехник қойдалар асосида парваришланмоқда. Мақсадимиз жорий йилда 1581 тонна доривор гиёҳлар тайёрлаш.

Мутахассислар таъкидлашича, Қорақалпоғистонда павловния, тут каби тез ўсувчи ва бошқа турдаги манзарали даракт кўчатлари экишни йўлга қўйиш орқали экологик муҳит яхшиланиб, келажақда арзон мебель, ёғоч материалларига бўлган эҳтиёж қондирилишига тўлиқ эришилади.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 миллион туп даракт экиш ва Қорақалпоғистоннинг 10 та ҳудудида азробиологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш, денгизнинг қуриган тубида қўшимча 500 минг гек-



тар, 2026 йил якунига қадар эса 2,5 миллион гектар ёки ҳудуднинг 78 фоизини яшил майдонларга ялантириш режалаштирилган. Бундан ташқари, Оролбўйида иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган халқаро дастурлар асосида 300 миллион АҚШ доллари, қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Шаҳар ва туман марказларида ҳар 50-100 минг аҳоли учун жамоат паркларини ташкил этиш назарда тутилган.

Шаҳар ва туман марказларида 64 гектар майдонда яшил боғлар ташкил қилиш, тез ўсувчи терак, топ, қайрағоч ва бошқа дарактлар плантациясини 100 гектарга етказиш бўйича жорий йилги режалар асосида хозирги кунда 61 гектар майдонда яшил боғлар, 62 гектар майдонда тез ўсувчи дарактлар плантациясини ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги “Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” — химоя ўрмонзорларини барпо этишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, бу ишларга 600 нафардан зиёд ишчи ва механизатор, 250 та механизм ва асбоб-ускуна ҳамда 2 та кичик авиация самолёти жалб этилган.

лик саксовул ўзида 10-12 тоннагача тузли қумни сақлай олади. Орол денгизи тубида олиб борган ишларимиз бесамар кетмаяпти. Ҳар йили ўрмонлар кенгайиб бормоқда. “Яшил қопламалар”нинг қўқарувчанлиги ўртача 35-40 фоизни ташкил этади. Демак, вазият яхши томонга ўзгармоқда. Жорий мавсумда денгиз қочган 100 минг гектар ерга саксовул уруғи ва кўчатлари экилди. Шундан Ақантай массивида 70 минг гектар самолётдан саксовул уруғи сеппилди.

Оролнинг қуриган тубини яшил ҳудудга айлантириш, Қорақалпоғистонни, хусусан, Мўйноқни ривожлантириш борасида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар асосидаги кенг қўламли ўзгаришлар ҳамда янгиланишлар аҳолининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, янги марралар сари бошламоқда. Энг асосийси, денгиз тубидаги қум ва туз барханлари йилдан-йилга камайиб, орта чекинмоқда. Улар ўрнини яшил ўрмонлар эгалламоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## Кўнгилдаги ўйлар



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган**  
**журналист**

Давлат ва жамиятнинг маънавий ҳаётида муҳим бурилиш нуқталари бўлади ва улар мазкур воқеалар гувоҳларининг онг-шуурига нақшланади. Бундай бурилишлар ўз-ўзидан, стихийли равишда эмас, аниқ ва равшан зарурат асосида, маънавий ўйғониш, миллий тафаккур ривож бағрида етилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашуви шундай нуқталардан бири бўлди.

Самимий мулоқот, эркин ва очиқ фикрлаш тарзида ўтган ушбу учрашувда миллий маданиятимиз, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар, давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўз борди. Зиёлилар давлат раҳбарлигига келган янги етакчи тинглаш баробарида, у билан самимий, очиқчасига юзма-юз фикрлашиш имкониятига эга бўлди, дил тубига чўккан мушоҳадаларини эмин-эркин баён қилди. Учрашувда сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистон халқ rassоми Акмал Нур ва бошқаларнинг танқидий фикрлари, тақлифлари шу ернинг ўзида инobatга олинди.

Учрашувда қатнашар эканман, кўнглимдан кўп нарсалар ўтди. Жаҳон давлатчилиги тарихидан маълумки, раҳбарликка келган ҳар бир етакчи ўз фаолиятини турли даражадаги ислохотлардан бошлайди, янги режалар тузади. Собиқ тузумнинг сўнгги йилларида бунга кўп бор гувоҳ бўлдик. Хулоса шуки, иқтисодий ва маънавий асоси суғ, халқнинг турмуш тарзи, даромад-буромида, тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқлик билан бевосита боғлиқ бўлмаган режаларнинг кўпи ўз-ўзидан қозғаларда қолиб кетарди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки қадамларидаёқ сиёсий қатъияти, мантқиқий таҳлил-мушоҳадалари, мамлакат ичкарисида, яқин-йироқларда кечаётган жараёнларга тамомила янгича муносабати, камчилик ва янгилишларни рўй-рост эътироф этиши ва бу билан ўзига хос ошкоралик даврига йўл очаётгани эл-юрт эътиборига тушди. Жамият ҳаётида янги умидвор насимлар эса бошлади. Шавкат Мирзиёевнинг йил адоида мамлакат Парламентига биринчи мурожаатида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш зарурлиги, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга таянган давлатгина ютққа эришиши алоҳида таъкидланди.

Бундай позиция дунё давлатлари раҳбарлари, танқиди сиёсатдонлар, иқтисодчилар назаридан четда қолмади. 90-йиллар бошида истиқлолимизга истеҳзо билан қараганлар, бу мамлакат Москвасиз яшай олмайдиган, миллий маҳдудликка берилади, дея башорат қилганлар 2017 йили Ўзбекистон раҳбариятидаги ўзгариш ҳам шундай олақараш билан кутиб олишганди. Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар давлат учун эмас, давлат одамлар учун ишлайди”, “Биз муаммоларни халқимиз билан бамаслаҳат ҳал этамиз, минг йиллик кўшичиликни тиклаймиз, ҳаммамиз ҳурматини ҳўжига қўямиз”, деган сўзлари кўпларни хўшига келтириб қўйди.

Орадан кўп ўтмай, Марказий Осиёнинг етакчи мамлакати ички ва ташқи сиёсатда туб бурилиш йўлига ўтаётгани реал фактга айланди. Чунки йўллар давомида беш ширимиз бўлиб келган “ўзимизга мос йўл” қўтилган натижани бермади, биз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган қўлаб дунёвий жараёнлардан ортада қолдик, қондошқардош қўшилар билан муносабатларимиз ёмонлашди. Иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш қийинлашди. Шундай пайтда Шавкат Мирзиёев жамиятнинг ҳар бир аъзоси билан мулоқот қилиш, ҳар бир кишига ўзини, ноёб иқтидорини намоян этиш, меҳнати, ижодкорлиги самараларидан тўла баҳраманд бўлиш имконини бериш йўлини танлади. Фақат шу йўлгина нажот кенгликларига олиб борарди. Фақат шу йўл

одамлар, ёшлар, айниқса, катта-кичик лавозим эгалари — масъулларнинг қон-қонига сингиб кетган кўрқувдан халос қилиши мумкин эди.

Август учрашуви олиму деҳқонда, устозу шогирдда, ижодкор зиёлида журъат деб аталмиш унутилаётган фазилатни қайта оёққа қўйди. Бу ёрўғ оламда яшашнинг маъно-моҳияти ойдинлашгандай бўлди. Миллат, мамлакатнинг эртанги кўни, тақдир тўғрисида кўюнчақлик қилиш, мажлисларда сўз сўраш, гапни ниқобламай, борини борича, йўғини йўғича айтиш айб эмаслиги, аксинча, бугун миллатни айни шундай очиклик, тил ва дил бирлиги кўтариши мумкинлиги аён бўлди. Президент қозғони беэайдиган қуруқ ҳисоботлардан воз кечиб, ҳаммадан аниқ натижани талаб қила бошлади.

Ижодкор зиёлиларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳаммаша ва ҳамма замонларда ҳам муҳим бўлиб келган. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Сабаби, ёзувчи, шоир, rassом, кино ва театр санъати намояндалари ҳаммаша халқ ичиде яшайди, халқнинг дарди, ўй-фикрлари билан нафас олади. Юрт, миллат бошига мусибат келганда, ижтимоий адолат таназзулга учраганда, озодлик, эркинлик йўллари тўсылганда ижодкорнинг ўтли сўзи, даъваткор ҳайқириғи, ибрати қўл келади, нажоткор кўчага айланади. Ижодкор халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди, улўғ бобомиз Алишер Навоийнинг “Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламан, Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам”, деган ўтли сатрлари билан яшайди. Шунга амал қилади.

Ўйғок зиёлининг кўзлари бошқалардан кўра узокроқни, муҳимроқ ва зарурроқни кўради. Жамият ҳаётида урчиқ бошлаган иллатларга беварқ тура олмайдиган, уларни ўзининг, келгусида фарзандларининг дарди деб билади ва шунинг учун ҳам биринчи бўлиб бонг уради, юғриб-елади, кўюнчақлик қилади. Бу иши билан кимларгадир ёмон кўринса ҳам, шу кўюнчақлигидан ҳаловат топади, виждони қўйналмайди. Уни тушунон жамиятлар, шўбҳасиз, тараққиёт йўлига ўтади.

2017 йили янгилашишга, қаддини ростлаб олишга бениҳоя муҳтож бўлиб турган жамият



учун ўйғок, фидойи, кўюнчақ зиёлилар керак эди. Янги раҳбар диққат-эътиборини шу муҳим нўқтага қаратди. Ижодкорларда, айниқса, ёш истеъдодларда ўзининг ишончли маслакдошларини, мамлакатнинг эртасини, демаки, миллий юксалишни кўра олди. Август учрашувиде айтилган кўп сўзлар ҳамон жаранглаб турибди: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улўғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекийс бойликлариимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”.

Муболагасиз айтиш мумкин, давлат раҳбарининг қатъият билан айтган бу фикрлари ўзини зиёли деб билган ижодкорларни илҳомлантириб юборди, қалам аҳли юрагига чўғ тушди. Ҳа, миллий адабиёт ва санъат, миллий қадриятлар ўлмайдиган, маънавият ва маърифат бозор ўпқонига тушмайди. Аммо кўнгилни хотиржам қилиб туравериш мумкин эмас. Президент ўртага савол ташлади: “Биз халқимизнинг маънавий қамол топишида маданият намояндаларининг улкан ҳизматлари борлигини миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб



яшаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш — сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз. Лекин қўлимизни қўксимизга қўлиб ҳолисона айтайлик: ижодкор зиёлиларимизнинг бугунги фаолияти жамиятимизни, энг аввало, эл-юрт тақдирини учун доимо кўюниб, ёниб яшайдиган, бедор қалб эгалари бўлган сизларнинг ўзингизни қониқтирадими?” Савол аниқ, жавоб ҳам аниқ эди: йўқ, қониқтирмайди. Кўпчилик ижодкорлар янги бир турғунлик ҳолатига тушиб қолган, маиший муаммолар гирдобиде ўралаша бошлаган, тўқсонинчи йиллар аввалида Шўқур Холмирзаев ўртага ташлаган “Адабиёт ўладими?” деган шафқатсиз савол ана бош кўтараётган, жавоблар мужмаллашаётган кезлар эди.

Август учрашуви бундай ҳавотирларга нуқта қўйди. Давлатимиз раҳбари маданиятимиз

ташкилотлар фаолияти чўқур таҳлил этилди. Ижодкор зиёлиларнинг бугунги кўнда жамият ҳаёти, ислохотлар жараёнидаги ўрни ва вазифаси бекийс экани, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида бошқа соҳалар вакиллари қатори маданият ва санъат аҳлидан янада фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, ижодий изланиш, умуммиллий ҳаракатларда пешқадамлик қилиш талаб қилиниши айтилди.

Орадан беш йил ўтди. Ушбу мақола — ҳисобот эмас, кимгадир ҳисоб бериш учун бўлган бўлмаганини қалаштириб, орттириб-бўрттириб, юқоридан олиқш оладиган замон ўтди. Ҳар кимнинг ҳисоботи ўзи билан, бундай ҳисобот кимдандир эмас, ўзимиздан ўтиши керак. Биз энди инсоний бурчимиздан келиб чиқиб, виждон ва имон олдида, эл-юрт ҳузурида ҳисоб берамиз, ҳолос. Ҳўш, ҳисоб бера оламизми? Ҳисоботимизни беэайдиган ишларимиз борми?

Ҳамамсини битта мақолага сиздириш қийин. Ҳеч ким ҳеч жойда (на ўзимизда ва на четда) инкор қила олмайдиган ўқар фактларнинг ўзи минг ҳисоботга етиб ортади. Уларни бир жумлада акс эттириш талаб қилинса, сўнгги беш йилни эркин фикр, ижодий журъат ва ошкоралик йиллари, деган бўлардим. Бугун ҳеч бир қаламқаш, ҳеч бир зиёли сўз айтишу мавзу танлашда, таҳлил ва танқидда, ҳатто бирор-бир ечим ёки қарорга қўйилмаслиқда ҳам муаммога дуч келаётгани йўқ. “Фикр ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, баъзан ўринсиз оддий мулоҳазадан ҳам бир нима олиш мумкин” деганларидек, жамият бугун ҳаммани тинглашга, фойдала, соғлом тақлифларни инobatга олишга ҳаракат қилмоқда. Бу — ғоят муҳим нарсас.

Ижод оламига келсак, шу беш йилликда мамлакат микёсида илмий-ижодий тафаккурга қайтдик. Хўссан, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий номидеги халқаро илмий-тадқиқот марказини барпо этиш Янги Ўзбекистоннинг маънавий кийфасини кўрсатиб турибди. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бу марказлар “халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чўқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида ахлит тасаввур уйғотиш, халқаро микёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, ҳаволатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодини гуманистик ғоялар, миллий гурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутати”.



Давлатимиз раҳбари қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга имзо кечди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, қайта жонланган Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилди. Пойтахтимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги мухташам биноси, унга туташ Адиплар хиббони бунёд этилгани, бу ерда адабиётимизнинг буюк намояндаларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилгани, шунингдек, вилоятларда улкан маърифатпарвар Ишўққон Ибрат, атоқли ижодкорлар Оғаҳий, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Абдулла Қодирий, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидеги ижод мактабларининг ташкил этилиши, буюк санъаткорлар хотираларининг абадийлаштирилиши, ёш ижодкорларнинг Зоминда ўтадиган анъанавий семинарининг қайта тикланиши, ижодкорларни рағбатлантиришга бел боғлаган “Илҳом”, “Ижод” жамғармаларининг ташкил этилиши, адабиёт майдонига кириб келаётган ёш истеъдодларнинг биринчи китоблари кўп нўсхада чоп этилаётгани шу беш йил ичиде содир бўлди.

Бугун биз яқин ва узок мамлакатларда кечаётган адабий-маданий жараёндан ўз вақтида хабардор бўлиб турибмиз. Ижодкорларнинг халқаро алоқалари кўндан-кўнга ривожланиб бормоқда. Юртимизга Россия, Туркия, Озарбайжон, Беларусь давлатларидан, қатор Европа мамлакатларидан, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ижодкорларнинг келиши, ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар, театр ва кино санъати арбобларининг жавоб сафарлари оддий воқеа бўлиб қолди.

Кейинги уч йил ичиде йигирмадан ортқ ўзбек адипларининг асарлари дунё халқлари тилларига таржима қилиниб, китоб, тўплам шаклида чоп этилди. Айни кўнларда “Ўзбекистон” нашриёти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан бирга қида туркий дунё халқлари адабиётининг сара асарларини ўз жилд ҳажмида босмага тайёрламоқда. Тошкент халқаро кинофестивалининг тикланиши маънавий ҳаётимизда сезиларли воқеа бўлди.

Яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Аммо мақсад бу эмас. Гап ижод аҳлига берилган кенг имкониятлардан нечоғлиқ фойдаланаётганимиз, маънавий-ахлоқий тарбия ишига қўшаётган ҳиссамиз, шеърят, наср, драматургия, телесериаллар, болалар адабиёти, ноширлик, янги алифбо ва бошқа соҳаларнинг муаммолари ҳақида ҳам бориши керак. Чунки жуда узок кутилган сўз эркинлигига етиб келдик. Эркин тафаккур йўллари очилмоқда. Гарчи бугун ҳам матбуотнинг адолатли танқиддан ҳадиксирайдиган, ижодкорларнинг кўюнчақлигидан энсаси қотадиган, рост гапни эшитишни хўшламайдиган, газета-журналлардан узок, муҳбир келибди деса, лабига учуқ тошадиган мансабдорлар топибса ҳам, бу ҳолат энди, собиқ тузум пайтидагидек, ўйғонаётган фикр йўлига, ижодкорлик журъати ва сўз эркинлигига тўғон бўла олмайдиган.

Тиббиётчиларнинг муҳим бир оғоҳи бор: иш-таҳа беҳад очилганда таом тановул қилишда эҳтиёт бўлмоқ зарур. Бугун китоб дўканига кирган кишининг боши айлиниб кетади: сон-саноксиз нашрлар, кеча ҳатто хаёлга келтириш мумкин бўлмаган мавзулар, ҳеч бир мантқиқга тўғри келмайдиган, қўқувли башоратлар. У дунёдаги ҳаёт, қабр азоблари, сохта фобонилик, афсунгарлик, бир муъжиза юз бериб, Ибн Сино тирилса, бу улўғ ҳаким ҳам ҳайратдан ёқа ушлайдиган даражадаги “табиб-чилик” — ҳаммасидан топилади. Бу ҳам етмаганидек, бугун шундай “шоввоз” ноширлар, “маҳоратли” таржимонлар пайдо бўлдики, улар ҳеч нарсадан ҳайқмай, муаллифлик ҳўқуқларини кўпол равишда бузиб, китоб деб аталмиш буюк инъомга доғ тушириб, ноширликни йил бўйи бетўхтов сўт берадиган “соғин сизгир”га айлантarmoқда. Бўнга беварқ қараш китобхонлик савиясига жиддий путур етказиши мумкин. Ижод эркинлигини тўғри тушуноқ керак.

Бугун янгилаёнаётган Ўзбекистонда юз бераётган ижтимоий-маънавий жараёнларнинг халқимиз, ёшларимиз ҳаёти, турмуш тарзига таъсирини кўрмаслик ва сезмаслик мумкин эмас. Ютуғимиз ҳам, камчилигимиз ҳам ўзимизники. Ўзимиз фахрланамиз, ўзимиз тузатамиз. Тўғри, экинга сув тараш пайти ариқ тозаланмагани учун кимингдир томорқасига сув бироз кеч очилиши мумкин, аммо бу мамлакатда қўроқчилик юзага келди, дея айўҳаннос солишга асос бўлмайди. Ўзидан, харид қуввати, турмуш тарзидан, фарзандларининг қамолидан рози бўлиб яшаш жараёнини ортага қайтариш мумкин эмас.

Кейинги беш йил ижодкор зиёлилар учун марҳаматли келди. Бу муҳитни асрамоқ ва унга муносиб бўлмоқ зарур.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ёллонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864.  
81651 нўсхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бекқўл Эгамқулов  
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 01:05 Топширилди — 03:15